



# MILLIY TIKLANISH

57 (429) ● 2016 йил 8 декабрь, пайшанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## 2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

### Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Хурматли хонимлар ва жаноблар! Ватанимиз ҳаётидаги кутлуғ сана — Конституциямиз қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида гўзал ва муқташам "Ўзбекистон" анжуманлар саройида сизлар билан учрашиб турганимдан гоёт мамнунман. Барчангизга, бутун халқимизга ўзимнинг чексиз ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга руҳсат бергайсиз. 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди. Конституциянинг яратилиши ва ҳаётимизга татбиқ этилишида замонамизнинг буюк давлат арбоби, улуғ йўлбошимиз, муҳтарам Ислому Абдуганиевич Каримовнинг хизмати беқиёс эканини барчамиз яхши биламиз. Халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни ишлаб чиқишда Ислому Абдуганиевичнинг концептуал аҳамиятга эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлди. Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қўшма комиссия яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эсламан. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва

шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда. Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислому Абдуганиевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узокни кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ёш давлатимиз эндигина оёққа туриб келаётган қалтис ва нозик бир вазиятда турли тор манфаатлар, маҳаллийчилик, сепаратизм ва миллатчилик каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмасди. Асосий қонунимизда умумэтироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди. Айнан Биринчи Президентимизнинг савий-ҳаракатлари билан Конституциямизда "Инсон ва унинг қадр-қиммати" деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди. Муҳтарам Ислому Абдуганиевич Конституциямизнинг лойиҳаси бўйича 1992 йил 8 декабрда, Олий Кенгашнинг тарихий сессиясида сўзлаган нутқида қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлаган эдилар: "Биз сўнгги етмиш йил мобайнида давлатга қарамлик ва сизини ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу

масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган. Яъни, Асосий қонунимизга "давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", деган модда киритилган. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қамалланган. Биринчи Президентимизнинг ана шу фикрлари у кишининг давлат, жамият ва инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир масалага нақадар теран ёндашганидан, шу асосда Конституциямизда энг мураккаб саволларга ҳам жавоб топиш мумкин эканидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, Ислому Каримовнинг ҳақиқатини ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи, деб эътироф этиш учун барча асосларга эгамиз. Қадрли дўстлар! Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат ноижтимоий ҳуқуқларни кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бош қўшма комиссия Ишон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизда юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салохияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди. Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қуни кеча мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимизнинг фаол иштироки эса бунинг яққол далилидир.

#### Брифинг

### Марказий сайлов комиссияси сайловнинг дастлабки натижаларини эълон қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари тўғрисида маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2016 йилнинг 4 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган демократик принциплари асосида очиб ва ошқора ўтказилганини таъкидлади. — Президент сайловининг тарихий ва сиёсий аҳамиятини чуқур тушунишга қўшма қўшма Ўзбекистон халқи яна бир бор ўзининг Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туғусини, гражданлик позициясини намойиш этиб, овоз беришда юксак сиёсий фаоллик билан иштирок этди, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси. Сайловчилар рўйхати киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчининг 17 миллион 951 минг 667 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёни бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислому ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

> 2-бет.

> 3-бет.

### Барча ютуқларимизнинг ҳуқуқий асоси



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 24 йиллиги муносабати билан 7 декабрь кuni "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди. Ийгилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилишда маъруза қилди. Мустақиллик йилларида халқимиз эришган барча ютуқ ва марралар, иқтисодиётимизнинг улкан суръатлар билан ўсиши Конституциямизнинг ҳаётбахш қудратини, унда мужассам бўлган қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намойиш этди, деди Шавкат Мирзиёев.

> 3-бет.

### Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Биринчи Президентимиз Ислому Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ватандошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

"Ўзбекистон" анжуманлар саройида 7 декабрь кuni ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди. — Авваламбор, сиз, азизлар билан бугун мана шундай кўтаринки, самимий кайфиятда қўришиб турганимиздан гоёт хурсандман, — деди Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев. — Барчангизга қалбимда бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга руҳсат бергайсиз. Мустақиллик йилларида юртимизда қўллаб яхши аъёнлар пайдо бўлди. Бугунги учрашувимиз ҳам айна шундай аъёнларнинг давомидир. Бундай гўзал маросимларга Биринчи Президентимиз Ислому Каримов асос солганини барчамиз яхши биламиз. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Бугун сизларга давлатимизнинг ана шу фахрий унвонлари, орден ва медалларини топширишни ўзим учун катта шараф, деб биламан. Биз мамлакатимизда эркин ва озод, адолатли, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Шу борада одамларимизнинг ҳалол меҳнатига ҳурмат билан қараш, уларнинг қадр-қимматини муносиб баҳолашни ўзимизнинг бош мақсадимиз, деб биламиз. Шу ўринда истиклол йилларида 29 минг 170 юртдошимиз давлат мукофотлари билан тақдирланганини айтиш лозим. Албатта, гап фақат мукофотларнинг сонидан эмас. Бу мукофотлар, аввало, Ватанимиз равангига беқиёс ҳисса қўшиб келаётган минглаб юртдошларимизни муносиб тақдирлашга хизмат қилаётгани билан гоёт аҳамиятлидир. Шундай муҳтарам инсонлар орасида Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг борлиги ҳаммамизни қувонтиради, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев. Бугунги хурсандчилик кунда омилқор деҳқон ва фермерларимизга, санат корхоналари ва қурилиш майдонларида тер тўкиб ишлаётган ишчи-муҳандисларимизга, тинчилигимиз посбони бўлган жасур ҳарбийларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

> 3-бет.

### Сайловнинг дастлабки натижалари бўйича брифинг ўтказилди

2016 йилининг 5 декабрь кuni Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайлов натижаларига бағишланган брифинги бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президенти шайхига кўрсатилган номзод Сарвар Отамуратов оммавий ахборот воситалари вакилларига баёнот берди.

— Мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий жараён демократик ва соғлом рақобат муҳитида ташкил этилди, — деди партия етакчиси. — Сайлов жараёни сиёсий партияларнинг фаоллиги ошгани ҳамда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқий маданияти, қарашлари тубдан юксалганини яққол намойиш этди. Сайловда сайловчиларнинг қарийб 88 фоизи овоз берди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловда муносиб иштирок этди. Бунда партия Марказий сайлов штаби ва ҳудудий сайлов штаблари, жойлардаги партия ташкилотлари ва фаолларимиз самарали меҳнат қилди. Сарвар Отамуратов брифингда сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида тўхталар экан, сайлов кампаниясининг муҳим босқичи бўлган ташвиқот даврида барча номзодга тенг шароит яратилганини таъкидлади. Қайд этилганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловнинг барча босқичида қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ-ваколатлардан, яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланди.

> 3-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!  
 Нашр кўрсаткичи — 158







O'zbekiston Respublikasi  
Konstitutsiyasining  
24 yilligi bilan!



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!  
“АСАКА” БАНК жамоаси

Сиз азизларни мамлакатимиз Конституцияси куни байрами билан  
чин юракдан муборакбод этади!  
Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз!

Байрам муносабати билан куйидаги миллий  
валютадаги муддатли янги омонат турини  
таклиф этамиз:

“КОНСТИТУЦИЯ – 2016”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 2 ой бўлиб, ҳисобланган  
фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва  
хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини  
таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида  
расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРИНГИЗ  
БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ  
КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

“Асака” банк сармояингизнинг сақланиши ва  
кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz  
Хизматлар лицензияланган

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул  
қилинганлигининг 24 йиллиги  
билан самимий қутлаймиз.

Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат,  
Ватанимиз тараққиёти йўлидаги  
фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги куйидаги омонат турларини таклиф этамиз:

“ЮҚОРИ ДАРОМАД” — омонатга маблағлар  
8 ой муддатга қабул қилинади.  
Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация  
қилинади ва омонат муддати тугагач  
тўлаб берилади.

“ОМАД” — омонатга маблағлар  
4 ой муддатга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчининг  
хоҳишига кўра олдиндан ёки омонат муддати тугагандан  
сўнг тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг  
банклардаги омонатларини кафолатлаш  
фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун: (0371) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

“Қишлоқ қурилиш банк” — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Огоҳлик

Ёнгин хавфсизлигини  
таъминлаш — ўз кўлимизда!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига мувофиқ ҳар йили мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Бундан асосий мақсад — юртимизда куз-қиш мавсуми олдида ёнгинларнинг олдини олиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш, кенг қўламли тарғибот-тушунтириш ишларини амалга оширишдан иборат.

2016 йилнинг 10 ноябрдан 2017 йилнинг 10 январига қадар ўтказилаётган “Ёнгин хавфсизлиги кунлари” да ҳам иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва аҳоли яшаш жойларида барча фуқаролар фаол иштирок этаётир.

Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси тизимидаги хизматлар махсус ўт ўчириш автомобиллари, зарур ускуна ва воситалар билан тўлиқ таъминланган. Мавжуд техникалар доимий равишда текшириладан ўтказиб турилади. Бундан ташқари ахборот-коммуникация технологияларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Махсус маълумотлар базаси тузилган бўлиб, ёнгин ҳақида мурожаат келиб тушган пайтда харитада ўт чиққан жой аниқ кўринади. Қўнғироқлар ва сўзлашувларни ёзиб олиш электрон дастури мурожаат қилган фуқаронинг манзилини автоматик режимда аниқлаб беради.

Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, юридик ҳамда жисмоний шахслар мол-мулкни “тилсиз ёв” дан ҳимоя қилиш мақсадида профилактика тадбирларига ҳам устувор аҳамият қаратаётир. Тахлиллар шуни кўрсатадики, ёнгинларнинг асосий қисми носоз электр ускуналари ҳамда иситиш воситаларидан фойдаланиш оқибатида рўй бермоқда. Шу боис аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мунтазам тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилапти. Ҳар йили қиш мавсуми арафасида юртимиз бўйлаб ёнгин хавфсизлиги ойлигининг ўтказиб келинаётгани ҳам ижобий натижа бермоқда.

Ушбу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида ёнгинлар сони ўтган йилнинг шу кунларига нисбатан 41 фоиз камайди. Бу ёнгин хавфсизлигига оид қоидаларга амал қилиш ҳаёт тарзимизга тобора чуқурроқ кириб бораётганининг яна бир далилидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш фақат шу хизматнинг эмас, балки ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бунинг учун эса ҳар бир одам ўз масъулиятини чуқур англаши, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши зарур.

Мурод АГЗАМОВ,  
Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси  
бош мутахассиси, подполковник

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши партия фаоли  
Улуғбек ТИЛАНОВнинг  
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МILLIY TIKLANISH” ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ” АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АХМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Сувоп НАЖИДДИНОВ, Аҳмад САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Исмаи ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.  
Ҳажми 2 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2  
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г 1225, Адади — 5302. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ  
Навбатчи: Тумарис БУТУНБОЕВА  
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ  
Электрон почта: e-mail: milltik@mail.uz  
Босишга топшириш вақти — 21.30.  
Топширилди — 00.40.  
ЎЗА яқуни — 23.10

ISSN 2010-7714

